



ТАН СУЛОЛАСИ ДАВРИГА ТЕГИШЛИ ХИТОЙЧА ВА ТУРКИЙ ТИЛЛАРДА БИТИЛГАН ҚАБРТОШ

СОБИРИЙ КАРИМЖОН

Мустақил изланувчи, ТошДШИ

Аннотация. Мақолада Хитойнинг Сиань шаҳрида илк марта топилган, Тан сулоласи давридан қолган хитой ва туркий тилда битилган қабртош ҳақида сўз юритилади. Бу ёдгорлик Тан сулоласи билан қадимги туркларнинг дўстона муносабатлари, сиёсий жараёнлар тўғрисида маълумот беради.

Таянч сўз ва иборалар: қадимги туркий битиш, хитойча битиш, қабртош, Тан сулоласи.

Аннотация. В статье идет речь о стеле, написанной на китайском и тюркском языках, впервые обнаруженной в китайском городе Сиань. Этот древний памятник свидетельствует о дружественных связях династии Тан и древних тюрков и политических процессах того времени.

Опорные слова и выражения: древняя тюркская стела, китайская стела, гробница, династия Тан.

Abstract: This article is about bilingual stele written in Chinese and Turkic, which was first discovered in China's Sian city. This ancient monument gives information about friendly exchanges between Tan Dynasty and Turkic people, also about political process of that period.

Keywords and expressions: ancient Turkic stele, Chinese stele, sepulchre, Tan Dynasty.

Хитойнинг Сиань шаҳридаги Датанг музейида сақланиб келаётган VII юзйилликда яшаган уйғур шахзодаси Қоричўр тигин (回鹘王子葛啜特勤墓志)га оид хитойча ва қадимги турк ёзувидаги обида мутахассислар томонидан “Хитойдаги ҳозирга қадар топилган Тан сулоласи даврига оид яқкаю ягона қўштилли обида” деб тан олинмоқда.

Бу обиданинг узунлиги тахминан бир метр бўлиб, устки қисмига хитой ёзувида уйғур шахзодаси Қоричўр тигин отасининг Тан сулоласига кўмаклашиб, Ўнглук-Сўйгун қўзғалонини бостирганлиги, оила насаби ва шахзоданинг Чанган шаҳрига қандай қилиб келиб қолганлиги, Тан сулоласида қандай вазифани бажаргани, қандай касал билан йигирма ёшга кирмай туриб вафот этгани, нечанчи ойнинг нечанчи куни Чанган шаҳрининг қай ерига дафн этилгани, айнан шу вақтда акасининг Чанган шаҳрида яшаганлиги ҳамда шу жойдаги уйғурларнинг кўп қисми қабилалари билан бирга дафн маросимида қатнашганлиги қайд этилган.

Обиданинг турк-руний ёзувида ёзилган қисми мазмун жиҳатидан хитойчасига нисбатан оддийроқ.

Тарихий вақтлари аниқ ёзилган бундай қўштилли обиданинг Хитой худудида топи-

лиши ҳақиқатан кам учрайдиган ҳолат бўлиб, бу турклар билан Тан сулоласининг муносабатини, айниқса, Ўрхун хонлиги давридаги тарихни чуқур тадқиқ қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Тан сулоласининг пойтахти Чангандан уйғур шахзодаси Қоричўр тигин қабртошининг топилиши ва унга ўйилган қадимги турк-руний ёзувидаги туркий матннинг бўлганлиги муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, 1893 йили қадимги турк-руний ёзувидаги ёзма ёдгорликларни ўқишнинг сири очилиб, бир асрдан ортиқ вақт ўтди. Айнан шу вақтда шундай бир қабртошининг топилганлиги бундан кейин ҳам ана шундай битигларнинг топилишига далолат қилади. Яқин кезларда Хитой Шинжонг уйғур автоном районининг турли худудларидан қадимги уйғур ёзувидаги ёдгорликлар билан бир қаторда, турк-руний ёзувидаги ёдгорликлар ҳам топила бошлади. Масалан, яқин йилларда профессор Питтер Зийме Шинжонг Жимисор туманида топилган турк-руний ёзувидаги бир тошбитигни ўқиб чиқди. Ундан бошқа яна Шинжонгдаги Қизил мингуй тош ўнгулларининг том деворлари орасидан қадимги уйғур ёзуви билан қадимги турк-руний ёзувида




ёзилган хатлар топилди. Бу ҳол қадимги ёдгорликларнинг аждодларимиз оёқ излари теккан жойлардан давомли равишда топилиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Хитойдаги қадимги шаҳар Сиандан бу қўштилли қабр тошининг топилиши бутун дунё туркшуносларининг диққатини ўзига тортмоқда. Чунки, мазкур қабртош Хитой заминидан топилган бирдан-бир қўштилли ёдгорлик бў-

либ, қадимги турк ёзувининг Шарқий Осиё худудида ҳам тарихий қимматга эга бўлганлиги билан бир қаторда, минг йиллар илгари яшаб ўтган халқларнинг ўзаро муносабатларини очиқ беришга хизмат қилади.

Шу ўринда мазкур қабртошга ўйиб ёзилган хитойча ёзув ва туркий битигларни қуйида кўриб чиқамиз. Қабр тошидаги хитойча битиг ҳақида.



1-расм. Хитойча ва туркий тилда битилган матннинг умумий кўриниши.

Қадимги уйғур шахзодаси Қоричўр тигин қабр тоши Сиан шаҳрининг Тангчанган Мингдемнинг қалъаси яқинидаги қабристондан топилган бўлиб, кўриниши квадрат шаклда, ён томонининг узунлиги тахминан 40 см, қабр томи билан қабр тазкирасидан иборат икки қисмдан тузилган. Қабртош яхши сақланган эмас: ёзувлари уринган, айникса, хитойча матннинг чап томонидаги руний ёхувли матн анча шикаст еган.

Қабртошдаги ўнгдан чапга қараб ёзилган хитойча матнга асосан ёзилган қисми билан тиниш белгилар орқали қабртошнинг мазмунини ойдинлаштириб, асосий мазмуни ёзиб чиқилди.

故回鹘葛啜王子守左领军卫将军墓志并序”
给郎守秘书省著作郎赐绯鱼袋崔述撰

回鹘葛啜王子，则可汗之诸孙。我国家讨平逆臣禄山之乱也，王子父车毗尸特勤实统戎左右，有功焉。故接待之优宠，锡之厚，殊于他国。王子以去年五月来朝，秩班禁卫，宾籍鸿胪。方宜享兹荣耀，光于蕃部，奈何不淑，以贞元十一年五月廿日遭疾亡殂，享年二十。以其年六月七日葬于长安县张杜原。兄王子阿波啜与诸部之属，衔哀奉丧。送终之饰，则有诏所司备仪焉，礼无其阙。呜呼！修短命也，死者生之终。乃刻石志墓云：蕃之王子兮，气雄雄；生言始兮，死言终；魂神异兮，丘墓同



Мазкур қабртошдаги хитойча матннинг таржимаси қуйидагича:


“Бу уйғур шахзодаси (回鹘葛啜王子), яъни ўнг қўл муҳафазачи ёки қўриқловчи қўмондон Қоричўр тигиннинг қабртош битигидир. Биринчи бўлиб кириш қисмидир, хатни ўювчи (иш бажаргучи) котиб бўлимининг рўйхатга олувчиси, яъни қизил рангли балиқ халтасини осган Фейшудир.

Уйғур Қоричўр тигин хокон авлодидандир. (.....) давлатимизга хоинлик қилган амалдор Анлушаннинг қўзғолонини бостирди. Шахзоданинг отаси Чабиш тигин отлиқ қисмларни етаклаб, ўнг ва чап томондаги жанг майдонларида буюк хизматлар кўрсатган эди. (.....) ва ниҳоятда яхши кўришга ҳамда ҳурматга сазовор бўлган эди. Унинг давлатининг шахзодаси ўтган йили бешинчи ойда келган эди. Чет эллик қисмларнинг саркардалари ичида, яъни чет эллик қўмондонлар ичида ниҳоятда шарафли ютуқларга муяссар бўлган эди. Зиҳенгуан (.....) йили, яъни милодий 795 йили, бе-

шинчи ойининг йигирманчи куни касаллик сабабидан оламдан ўтди. Бу вақтда у эндигина йигирма ёшда эди. Бу йили олтинчи ойнинг еттинчи куни Чанганнинг Жонду деган ерига дафн этилди. Ўз акаси Апричўр тигин ҳамда қабилага тегишли бўлган бошқа катталар қаттиқ кайғу ичида мазкур дафн маросимига қатнашди. Майитни узатганда жуда кўп зебу зийнатлар (.....) ҳам бор эди. Хон ёрлиғига асосан, мотам маросимининг ҳамма қоида-йўсунлари ва фаолиятлари тўлиқлигича бажо келтирилди. Умри ниҳоятда қисқа бўлди, оламдан кетди, шу сабабдан мазкур битигтош тикланди. Оҳ, қўшни давлатнинг шахзодаси эди у! Қайсар, жасур ва қахрамонлардан бири эди у! Туғилиш деган бошланиш дегани эмасми? Ўлим дегани охирилашиш дегани эмасми? Оҳ, Тангри, (рух) ажабтовур муомала қилди! ...”.

Шу марсия билан хитойча матн тугайди.

Энди қадимги турк-руний ёзувидаги битигни кўриб чиқамиз.



2-расм. Турк-руний ёзувидаги матннинг ёнбошдан кўриниши.

Турк-руний ёзувида битилган матннинг мазмуни қуйидагича:

“Бу Мингтеси битигидир. Ёғлақар хон оти, Човуш Текиннинг ўғли Хон тутуқнинг жияни, Бўгу белги тангри хоннинг иниси, Қоричўр тигиннинг қабри, дафн маросимини Тавғачхон қилдирди. Тўнғиз йили, олтинчи ойнинг еттинчи куни”.

Қорачўр тигин қабртоши Тан сулоласи давридаги туркий халқлари тарихига оид муҳим топилмадир. Қабртошда Тан сулоласи ва Ўрхун хонлиги муносабатлари ва Ёғлақар уруғига мансуб бўлган муҳим воқеалар хотирланган. Бошқа жиҳатдан айтганда, бу ўрхун-энасой ёзувидаги топилмаларнинг илк марта Шарқий Хитойнинг ички қисмидан топилиши ҳисобланади.



Қабртошдаги матнлардан маълум бўлишича, Қоричўр тигин милодий 795 йили май ойининг ўрталарида Чанганда тўсатдан вафот этгандан кейин, майит қоида бўйича Уйғур хоқонлигига қайтарилмаган. Орадан ўн етти кун ўтгандан сўнг, яъни шу йили еттинчи июнь куни Чангандаги Тан сулоласи қабристонида дафн этилганлигини қандай тушуниш мумкин?

Бу ҳам қабртошга яширинган сирларнинг биридир. Эндигини йигирма ёшни қарши олган Қоричўр тигин Чанганда вафот этиб, ўн етти кундан кейин Ўрхун хонлигидан Апринчўр тигин бошчилигидаги бир гуруҳ одамлар Чанганга етиб келишганда ниҳоятда ҳашаматли дафн маросими ўтказилиб, ерга қўйилган. Тош битикнинг хитой тилидаги баёнларининг тафсили бўлиши ва марҳумга бўлган мадҳияларни ҳажми узун бўлиши, туркчасининг қисқа ҳамда ҳиссиётининг суст бўлиши бизга бу жихатдан бир савол беради. Балки Тан сулоласи сунбий равишда келтириб чиқарган бу суиқасднинг ошкор бўлиб қолишининг олдини олиш учун турли баҳона-сабаблар билан уйғур шахзодасининг ўлигини Ўрхун водийсига қайтармаган бўлиши мумкин.

Қабртошнинг таржимасидан яна шундай хулоса чиқаришимиз мумкинки, қабр битиғида бош қаҳрамоннинг оила шажараси, боболари, отаси билан ака-укаларининг исми, дафн этилган вақти ҳамда дафн расмийлари каби ҳамма ишларни Тан сулоласининг подшоҳи режалаштирган. Ёдгорликдаги турк ёзувининг мазмуни билан хитойча матнни такрорлаб, ўзаро тўлдирган ҳолда шарҳлашимизга тўғри келади.

Турк-руний ёзуви эса қадимги турк, уйғур каби туркий тилли миллатларнинг милодий VII асрдан бошлаб қўлланган қадимий ёзувдир. Турк-руний ёзувида ўйилиб ёзилган обидалар Марказий Осиё ўлкаларидан кенг қў-

ламда топилган бўлиб, бир асрдан буён европалик тилшунос олимлар ўқиб чиққандан кейин, туркшунослик кўп тадқиқотлар билан тўлди. Хитойда илгари фақат Шинжонг-уйғур автоном райони, Ички Мўғулистон ва Гансунинг шимолидан турк-руний ёзувида ўйиб битилган обидалар ёки қўлёзмалар топилган бўлиб, Тан сулоласининг пойтахтидан турк-руний ёзувидаги бундай ёдгорликнинг топилиши янгиликдир.

Манбаларга асосланганда, қабр битиғи Тан сулоласи подшоси Тангдзунинг Жинюан ўн биринчи йили (милодий 795 йили) июлда, Тан сулоласи ҳокимияти май ойида вафот этган Қоричўр тигинни дафн этганда ёзилган экан. Қоричўр тигин ўн тўққиз ёшида (милодий 794 йил) Ўрхун ўлкасидан Чанганга келганда Тан сулоласи подшоси унга ўрда саройи мухофазачиларининг бош қўмондонлик унвонини берган. Бир йилдан кейин эса касал бўлиб, оламдан ўтган. Шу билан унинг акаси Апринчўр тигин дафн ишларига бошчилик қилди. Айни чоғда бу дафн маросимларига Чанганда хизмат ўтаётган жуда кўп турк амалдор ҳам қатнашган. Дафн ишларининг сарф-харажатларини танг сулоласи ўз зиммасига олади.

Хитой манбаларида қайд қилинишича, айни замонларда Тан сулоласи ўрдаларида юқори мансабда турадиган амалдорларнинг дафн чиқими Тан сулоласи подшосининг буйруғига асосан олиб борилар эди. Мазкур қабртошнинг топилишидан биз қадимий уйғур хоқонларининг Тан сулоласи даврида муҳим мавқени эгаллаб турганини билишимиз мумкин.

Демак, Қоричўр тигин қабртошининг топилиши уйғур тарихий тадқиқоти учунгина эмас, балки бугунги барча туркий халқлар тарихига бағишланган тадқиқотлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

